Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

● Газета: «Иштирокиюн» (1918 — 1920). «Қизил байроқ» (1920 — 1923 й.). «Туркистон» (1923—1924 й). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й). «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

№ 140 (21. 239) 1992 йил 17 июль, жума

БАҲОСИ 2 СЎМ.

1 СЕНТЯБРЬ · ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МУСТАҚИЛЛИК КУНИ

• ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН •

Юқоридаги сурат Ўзбекистон Президентининг Жанубий Кореяга сафари пайтида олинган. Унда И. Каримов билан Корея Республикаси Президенти Ро Де Унинг икки давлат ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг принциплари тўғрисидаги Декларацияга имзо чекаётганликлари тасвирланган.

Р. НУРИДДИНОВ (ЎзА) олган сурат.

ДУНЁ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

● Шу йилнинг 16—23 июнь кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов бошлиқ ҳукумат делегацияси расмий ташриф билан Жанубий-Шарқий Осиёдаги бир қатор давлатлар — Жанубий Корея, Малайзия ва Индонезияда бўлди. Бу ташрифга алоҳида эътибор берилди. Бу мамлакатлар, айниқса Жанубий Корея ва Малайзия дунё миқёсида катта обрў-эътиборга эга бўлибгина қолмай, балки тараққиёт бобида ҳам ўрнак олса арзийдиган ибратли давлатлар қаторига киради.

Биринчи манзил Жанубий Корея. Бунинг ҳам мантиқан, ҳам мазмунан ўзига хос томонлари бор.

(Давоми иккинчи бетда).

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

15 июль куни халқ депутатлари Фарғона вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлди. Сессияда ташкилий масала кўриб чиқилди. Ғ. Фозилов ўз аризасига кўра вилоят ҳокими вазифасидан озод этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг тавсияси билан ҳозиргача жумҳурият қишлоқ хўжалик вазири бўлиб ишлаб келаётган М. Исломов Фарғона вилояти ҳокими этиб тайинланди.

И. А. Каримов сессияда нутқ сўзлаб, республикамизнинг мустақил давлат сифатидаги халқаро обрў-эътибори ортиб бораётгани, унинг ички ва ташқи сиёсат соҳасидаги фаолияти қўллаб-қувватланаётганини таъкидлаб, жамиятда тинчлик, осойишталик, ҳамжиҳатлик, аҳиллик, тартиб-интизомни мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида тўхталди.

Сессия ишида республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Бош вазир ўринбосари М. Қорабоев, Ўзбекистон Президенти давлат маслаҳатчиси М. Умурзоқов иштирок этдилар.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОНГА—ТУРКИЯ ДОНИ

Сўнгги вақтда Ўзбекистон — Туркия муносабатлари эришилган аҳдномалар асосида жадал ривожланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан Туркия Бош вазири С. Демирэлнинг Давос, Тошкент, Истанбул ва Хельсинкидаги учрашувлари ҳамда музокаралари бу муносабатларнинг жадал ривожланишига кўмаклашди. Ўзбекистон—Туркия муносабатлари сиёсат, савдо, иқтисодиёт, илм-фан ва маданиятнинг ҳамма соҳаларига тааллуқлидир. Бугун биз газетхонлар эътиборига Анқарада ҳар куни чиқадиган ҳукумат ахборотномаси — «Расмий газета»да 1992 йил 14 июлда эълон қилинган муҳим ҳужжатни ҳавола қиламиз. Бу ҳужжат Туркиянинг Ўзбекистонга 2 миллион тонна дон етказиб бериши тўғрисидадир.

ТУРКИЯНИНГ «ТУПРОҚ МАҲСУЛЛЕРИ ОФИСИ» (ТМО) ЎЗ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШИ ТЎҒРИСИДАГИ

ҚАРОРИ

1-модда. «ТМО»нинг 2000000 тонна донни Ўзбекистон республикасига жаҳон нархларида жўнатишига рухсат этилсин.

Бу битим давлат кредити шартларида уч йилда қайтариб бериш шарти билан амалга оширилади.

2-модда. Дон нархини Туркия Республикаси қишлоқ хўжалик вазирлиги тасдиқлайди. Муздини ва бошқа шартларини давлат ҳазинаси белгилайди.

3-модда. Донинг ҳаммаси жўнатилгандан кейин «ТМО» шу битим натижасида кўришган барча зарарлар ҳақида давлат ҳазинасига хабар беради, бу зарарлар давлат ҳазинаси томонидан қопланади.

4-модда. Бу қарор газетада эълон қилинган пайтдан кучга киради.

5-модда. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш қишлоқ хўжалик вазирлиги ҳамда ҳазина билан боғлиқ Туркия Республикаси давлат вазирлари зиммасига юклатилади.

Президент

Турғут ЎЗОЛ

Бош вазир

Сулаймон ДЕМИРЭЛ

Барча давлат вазирлари имзо чекканлар.

• 30 июль куни мустақил Ўзбекистон Республикаси ички заёмининг биринчи ютуқлар ўйини Самарқанд шаҳрида ўтказилади

ЮТУҚЛАР ЎЙИНИ ТАНТАНАГА АЙЛАНСИН

Ютуқлар ўйини фақат бахтли облигация эгалари учун эмас, ҳамма учун байрамга айлансин. Ўзбекистон Республикаси 12 фоизли ютуқли ички заёмнинг 30 июлда Самарқандда бўладиган биринчи ютуқлар ўйини давомида республиканинг энг яхши артистлари ўз маҳоратларини намойиш этадилар, халқ сайиллари бўлади, байрам савдоси ташкил этилади. Ютуқлар ўйинини телевидение орқали кўрсатиш назарда тутилмоқда.

Баъзи бировлар шунча шов-шувнинг нима кераги бор, заём облигацияларини сотиб олишмаётган бўлса керак-да, дейишлари мумкин албатта. Шундай саволлар туғилмаслиги учун энг муҳимини билиб олиш керак: Бу — мустақил Ўзбекистон Республикасининг биринчи заёмидир. Бинобарин, унинг биринчи ютуқлар ўйинини байрамдек нишонлаш тамоман ўринлидир.

Кенг реклама орқали заёмни харид қилган киши ундан қандай наф кўришини ва республикага қандай кўмак беришини ҳар бир кишига тушунтириш керак.

Иқтисодий мустақиллик бўлмаса, сиёсий мустақиллик ҳам бўлмайди. Ҳа, давлатимиз ҳам, унинг ҳар бир фуқароси ҳам бадавлат бўлиши керак — бу ҳаётий зарурат. Ўзбекистон Республикаси заёми шу мақсадга хизмат қилади.

Айтмоқчи, унинг фойдаси ҳозироқ ҳис этилмоқда. Заём облигацияларини сотишдан салкам 1 миллиард сўмга яқин нақд пул тушди. Демак иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ўз вақтида тўланган. Муомалада ортиқча бўлиб турган нақд пул етишмаётган соҳага ўта бошлади.

Табиийки, ҳукумат республика иқтисодиётини мустаҳкамлашга кўмаклашадиган бу тадбирга катта аҳамият бермоқда. Ҳозироқ айтиш мумкинки, заёмнинг биринчи ютуқлар ўйини бу тадбирга ишончли мустаҳкамлайди.

Ютуқлар ўйини ўтказиш ишчи комиссияси юқори даражада тузилган. Унга Молия вазирлиги, жамғарма, саноат-қурилиш, Деҳқончилик-саноат банкларининг, «Ўзбексавдо» давлат уюшмасининг, Алоқа, Маданият вазирликлари ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари кирган. Ишчи комиссиянинг Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов раислигида яқинда ўтган мажлисида асосий муаммолар ҳал этилди, ютуқлар ўйинини ўтказиш режалари ишлаб чиқилди. Хуллас, байрам бўлади.

● Ҳар бир ўйинда жами 77,5 миллион сўмлик 20 мингта ютуқ ўйналишини, ҳар бир облигация барча ўйинларда иштирок этишини, ютуқлар ўйини йигирма йил давомида ҳар йили тўрт марта ўтказилишини эслатиб ўтамиз. Бу гал ютуқ чиқмаса, келгуси ўйинда ютуқ чиқиш имконияти ортади.

(ЎзА мухбири).

ДАДИЛ БЎЛИНГ, ОМАД КУЛИБ БОҚАДИ

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов 16 июль куни Швейцария Конфедерациясининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Жан—Пьер Риттерни қабул қилди.

Бўлиб ўтган суҳбат чоғида халқаро майдонга чиққан мустақил Ўзбекистон дунёдаги мамлакатлар билан ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантириш учун яхши имкониятларга эга эканлиги таъкидланди. Мустақил, холис давлат бўлган Швейцария Ўзбекистон Республикаси учун айниқса қизиқарлидир.

Швейцария дипломати ишонч ёрлиғини топшириш чоғида: Ўзбекистон — ишончли ҳамкор, бу эса ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг кафолатидир, деб таъкидлади.

Жан—Пьер Риттер И. А. Каримовга Швейцария Конфедерациясининг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси ишонч ёрлиғини топширди.

(ЎзА).

НОТАЛАР АЙИРБОШЛАШ

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири У. Абдураззоқов 15 июль куни Швейцария Конфедерациясининг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси жаноб Жан Пьер Риттернинг ишонч ёрлиғини топшириш арафасида қабул қилди.

Дўстона суҳбат чоғида ҳар иккала томонни қизиқтираётган сиёсий ва иқтисодий масалалар тилга олинди.

Шундан кейин Швейцария Конфедерацияси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатиш тўғрисида ноталар айирбошланди.

(ЎзА).

ИШОНЧ ЁРЛИҒИ ТОПШИРИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ШВЕЙЦАРИЯ КОНФЕДЕРАЦИЯСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ

Жан—Пьер РИТТЕР

Жан—Пьер Риттер 1931 йилда Шо—де—Фонда (Нешатель мухторияти) туғилган. Лозанна ва Гетингенда дорилфунун таълимини олган. Ҳуқуқшуносликдоктори. 1958 йилдан буён Ташқи ишлар федерал департаментида ишлайди:

1962—1970 йилларда Жазоир ва Хитойдаги элчихоналарда,

1970—1974 йилларда — Халқаро давлат ҳуқуқи бўлими раҳбари,

1976—1980 йилларда — Куба Республикасида элчи,

1980—1984 йилларда — Сиёсий котибият раҳбари,

1984—1991 йилларда — Австрияда элчи,

1991 йилдан бери — Москвада элчи.

1992 йилнинг май ойида Жан—Пьер Риттер Швейцария Конфедерациясининг ўриндошлик асосида қароргоҳи Москвада бўлган Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган.

МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИ:

ТОШКЕНТ ТИНЧЛИККА ДАЪВАТ ЭТМОҚДА

● 16 июль куни Тошкентда МДҲ давлатлари ташқи ишлар вазирлари, мудофаа вазирлари чегара қўшинлари қўмондонлари ҳамда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ишчи гуруҳининг кенгаши бўлди.

Кенгашни Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири У. А. Абдураззоқов кириш сўзи билан очди. У учрашув қатнашчиларига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг самарали ишлаш истакларини етказди.

Қўшма мажлисда бир қанча ҳужжатлар муҳокама қилинди. МДҲ Бирлашган Қуролли Кучлари Бош қўмондони, авиация маршали Е. И. Шапошников ҳамдўстликда қатнашувчи давлатлардаги можаро зоналарида тинчликни сақлаш коллектив кучларини ишга солиш тўғрисидаги таклифларни тайёрлаш ҳақида гапирди.

Кенгаш қатнашчилари Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги жанубий чегараларини қўриқлашнинг аҳволи ва унинг пухталиги билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилдилар, бу масала Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримовнинг таклифи билан кун тартибига киритилган эди.

Чегара қўшинлари қўмондонлари кенгашининг доимий ишчи органи тузилиши, сони ва унинг фаолиятини таъминлаш тўғрисидаги; мустақил давлатлар ҳамдўстлиги низоми лойиҳасини тайёрлаш; истиқомат жойларидан кўчириб юборилган халқлар ва кўчириб юборилган майда миллатларга мансуб шахсларнинг ҳуқуқларини тиклаш билан боғлиқ масалаларга доир битим лойиҳасини тайёрлаш ҳақидаги масалалар ҳам кўриб чиқилди.

● Шу куни Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мудофаа вазирлари кенгашининг мажлиси бўлди.

Уни Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири Р. У. Аҳмедов очди. Анжуманда МДҲ Бирлашган Қуролли Кучлари Бош қўмондони авиация маршали Е. И. Шапошников нутқ сўзлади.

Мудофаа маҳкамаларининг раҳбарлари ҳамдўстлик давлатларидаги можаро зоналарида тинчликни сақлаш коллектив кучларини ишга солиш тўғрисидаги таклифни кўриб чиқишга асосий эътиборни қаратдилар. Ҳамма томонни қизиқтираётган бошқа ҳарбий масалалар ҳам муҳокама қилинди ва улар юзасидан тегишли қарорлар қабул этилди.

Кенгаш тугагандан кейин журналистлар билан учрашув бўлди.

(ЎзА).

Суратда: кенгаш пайти.

С. ВЕЛИЧКИН олган сурат. (ЎзА).

• ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

I. КОРЕЯ МЎЪЖИЗАСИ

ЁЗНИНГ эрта тонгида Тошкент билан хайрлашдик. Кўксига «Ўзбекистон» сўзлари ёзилган «ИЛ—62» ҳаво қуши узоқ сафарга парвоз қилди. Делегация бу гал хорижга оддий юмушга эмас, балки жуда катта топшириқни уддалаш учун кетаётганди. Бу ўта муҳим вазифанинг ниҳоятда масъулиятли эканлигини сафар олдидан бўлган учрашувда жумҳурият ташқи ишлар вазири Убайдулла Абдураззоқов ҳам алоҳида уқтирганди...

Само бўйлаб оҳиста сузаётган тайёра ойнасидан оппоқ пардай булутларга термулиб бехосдан хаёлга чўмасан киши. Мустақил Ўзбекистоннинг дунё мамлакатлари ўртасида муносиб ўрин эгаллаши учун ҳали жуда кўп иш қилиниши кераклигини дилдан ҳис қилардик. Ниятлар холис, режалар бисёр. Аммо уларни амалга ошириш осон эмас. Тўсиқлар кўп. Ташқи зиддиятлар етишмаётгандек, ичкаридан ҳам пинҳоний курашлар давом этяпти. Ўзбекистоннинг истиқлолини мустаҳкамлаш учун ҳеч бўлмаса уч-тўрт йил тинчтотув, биргаликда ҳаракат қилиш ниҳоятда зарурлигини, афсуски айрим «ватанпарвар»лар тўла тушуниб етишмаяпти. «Бургага аччиқ қилиб, кўрпани ёндиришмоқда». Бу келишмовчиликлардан ғанимлар жуда усталик билан фойдаланишларини унутиб қўйишмоқда. Шу ўринда таланти шоиримиз Ҳожи Абдулло Ориф ўғлининг «Қачон халқ бўласан оломон» деган сатрлари ўз вақтида ва жуда тўғри айтилганини ҳис қиласиз.

Бу сафарги ташрифга делегацияга ҳамроҳлик қилувчилар сафига илк бор ёшлар билан бевосита ишлайдиган раҳбарлар — Ўзбекистон Олий Кенгаши Ёшлар билан ишлаш қўмитасининг раиси А. Аъзамхўжаев, республика Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитасининг биринчи котиби А. Орзиматав, Ўзбекистон халқ депутати, ёш шоир ва журналист Карим Баҳриев, «Туркистон» газетасининг бош муҳаррири киритилди. Ёшлар вакиллари энг ривожланган давлат Жанубий Кореяни ўз кўзлари билан кўрсинлар, унинг тараққиётга қандай эришаётганлиги билан яқиндан танишсинлар, деган ниятда шундай қилинган бўлса керак.

Ўзбекистон ўзини дунёга танитмоқда. Уни 110 дан ортиқ давлат тан олди. Энди эса у нимага қодирлигини, иқтисодий қудратини, халқининг маҳоратли ва меҳнатсевар эканлигини, ниҳоятда бой имкониятларини жаҳонга кўрсатиши ва хорижий сармоядорларни, илғор технологияни жумҳуриятимизга жалб этиши керак.

Ўй-хаёллар билан бўлиб, бир неча давлатлар устидан қандай ўтганимизни, етти соатлик парвоз яшин тезлигида ортда қолганини сезмай ҳам қолдик. Самолётимиз Жанубий Корея пойтахти Сеул шаҳридаги ҳарбий ҳаво кучларининг аэропортига оҳиста қўнди. Аэропорт байрамона безатилган эди. «Кореяга хуш келибсиз, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов!» сўзлари ҳам кореяча, ҳам инглизча тилларда ёзиб қўйилган. Икки давлат байроқлари аэропорт узра ҳилпираб турибди. Тантанали кутиб олишга чиққан маросим қатнашчилари саф тортган. Самолётдан Президентга ажратилган махсус машинагача бўлган йўлакка чўғдай қип-қизил гилам тўшалган.

Корея ташқи ишлар вазири Ли Сан Ок, вазир Вон Янг Ли ва бошқа расмий кишилар, ҳарбий бошлиқлар меҳмонни энг азиз кишиларидек қарши олдилар. Президент, делегация аъзолари ва уларга ҳамроҳлик қилувчи кишилар мотоциклчиларнинг фахрий қоровуллигида Ўзбекистонлик меҳмонлар учун ажратилган қарийб ўн бир миллионли Сеулдаги энг гўзал ва кўп қаватли, замонавий «Лотте» меҳмонхонаси томон йўл олдилар. Теп-текис йўлнинг икки бетида одамлар меҳмонларни олқишлаб турдилар. Биз аэропортдан меҳмонхонагача бўлган ярим соатлик йўлда махсус жойларга ўрнатилган жумҳуриятимизнинг юзлаб, минглаб байроқларини кўрдик. Ҳали мустақил Ўзбекистоннинг ўзида шунчалик байроқ бўлмаган вақтда Корея ҳукумати ўз ташаббуси билан ҳарир ипакдан шунча байроқни тайёрлагани бизга бўлган беқиёс ҳурмат эмасми!

● Сеулдаги ҳарбий-ҳаво кучларининг аэропортида тантанали кутиб олиш маросими.

ДУНЁ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

Жаббор РАЗЗОҚОВ,
Муҳаммаджон РАҲМАТОВ.

«Лотте» меҳмонхонаси. Салкам қирқ қаватли бу гўзал манзилгоҳ чиндан ҳам ҳақиқий меҳмонхона эканлигини дилдан ҳис қиласиз. Биздагилар билан таққослашнинг ўзи кулгили. Ҳатто мусиқали лифтларни ҳам кўриб ҳайратга тушасиз, санъат асари дейсиз. Хоналар, хизмат кўрсатиш ходимларининг хушмуомалалиги сизнинг хаёлингизни фаромуш этади.

Бу ерда ҳатто бир кун ичида буюртма берсангиз, истаган модел бўйича костюм-шим тайёрлаб беришлари мумкин. Нима истасангиз ҳамма нарса муҳайё. Қачон бизда ҳам ана шундай меҳмонхоналар қурилар экан, деб ўйлаб қоласиз.

ТАШРИФНИНГ иккинчи куни эрталаб Чонг Ваде Президент саройи майдонида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовни тантанали кутиб олиш маросими бўлиб ўтди. Қуролли Кучларнинг барча турлари саф тортди, икки давлат гимнлари янгради, миллий мусиқачилар қутлови бўлди. Сеуллик минглаб ёшлар қўлларида икки давлатнинг байроқчаларини ҳилпиратиб, давлатлар бошлиқларини олқишладилар. Нутқлар сўзланди. Жажжи корейс қизи Ислом Каримовга гулдаста тақдим этди.

Бу маросимда қатнаша туриб, мустақил Ўзбекистоннинг оддий фуқаролари, журналистлари сифатида қалбимизни бир олам ғурур қамраб олди. Қачон бизда ҳам ҳорижлик азиз меҳмонларни ана шундай тантана билан кутиб олишдек, ўзимизга хос расм-русум пайдо бўлади, деган ўй-фикр хаёлимиздан ўтди. Миллий гвардия, ҳашаматли Президент саройи, тантанали кутиб олиш майдони... Булар мустақил Ўзбекистоннинг юз-кўзи бўлиши керак...

Тантанадан сўнг саройда махсус ажратилган жойда Корея Республикаси Президенти Ро Дэ У билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ўртасида яккама-якка суҳбат бўлиб ўтди. Шу пайтнинг ўзида иккала мамлакат делегациялари аъзоларининг музокаралари ҳам бошланди. Сўнгра Ислом Каримов ва Ро Дэ У ҳар икки давлат ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг принциплари тўғрисидаги Декларацияга имзо чекдилар. Шунингдек, ўзаро иқтисодий, фан-техника, маданий алоқалар соҳасида ҳам бир қанча ҳужжатлар имзоланди.

Дунёдаги энг тараққий этган ва иқтисодий юксалишда «аждарҳо» деб ном олган Жанубий Корея билан ўзаро ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди. Хўш, Корея ўзи қандай давлат? Қандай қилиб у қисқа муддат ичида шундай тараққиётга эришди? Биз бу саволларга ташриф чоғида иложи борича жавоб излашга ҳаракат қилдик.

Корея ярим оролида иккинчи жаҳон урушидан кейин халқи бир бўлган икки давлат дунёга келди. Бу собиқ СССР билан АҚШ давлатлари олиб бораётган ташқи сиёсатининг амалдаги намунаси эди. Ана шу икки система бемақсад кураши натижасининг аянчли тақдирини корейс халқи ҳанузгача бошидан кечирмоқда. Қирқ йиллаб қариндошлар, акаукалар бир-бирини қўмсаб яшадилар. Яхшиямки, ҳур фикрли одамлар бор экан, Жаҳон Қизил Ярим ой жамиятининг ёрдами туфайли бу тўсиқлар камайди. Икки Корея ҳам БМТ нинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлди. Бирлашиш тўғрисида учрашувлар, музокаралар бўляпти. Аммо икки Германияда юз берган қувончли воқеалар бу давлатларда ҳам юз бериши учун ҳали анча вақт борга ўхшайди...

Жанубий Корея ҳудуди 99,6 минг квадрат-километрдан иборат. Аҳолиси 42,3 миллион киши. Шундан 50,3 фоизи эркаклар ва 49,7 фоизи аёллардир. Ўртача умр кўриш кўрсаткичи 70,4 йил. Ҳар бир оилада ўртача 3,8 одам яшайди.

Бу давлатда қарийб ҳамма ишлайди. Қари-ю ёш яшаш учун интилади, ҳаракат қилади. Маълумотларга қараганда, ишга яроқли аҳолининг 97,4 фоизи иш билан таъминланган. Атиги 2,6 фоизи ишсиз. Ҳар бир қарич ер, сув ҳисобда. Дўконлар сифатли молларга тўла. Ҳаммаси ер остида. Метрога ўхшагандай. Биз мева-чева дўконини кўздан кечирдик. Дунёда нима бор бўлса, шу ерда мужассам. Қовун-тарвузми, олма-узуммми, ноку шафтолими... ҳаммаси бор. Сараланган, топ-тоза. Ичида бир дона ҳам чиригани йўқ. Харидор истаганча териб олиши мумкин. Лекин бизга нисбатан АҚШ долларига таққослаганда анча қиммат. Кийим-кечак, радио ва телевизор, электроника ҳам шундай. Чунки бу ерда олинадиган ойлик маош анча юқори. Четдан келганлар, бизга ўхшаганлар ҳеч нарса харид қилолмайди.

Корея Миллий кўргазмалар комплексини кўрмаган киши армонда қолади. Бу ерда мамлакатнинг энг аъло, замонавий моллари, фан-техниканинг энг сўнгги намуналари қўйилган. Уларнинг сон-саноғи йўқ. Осмонўпар бино залларидаги экспонатларни бир неча кун ҳам томоша қилиб адоғига етолмайсиз. Ўзбекистон Президенти ва делегация аъзолари ана шу кўргазмани томоша қилдилар ва унинг раҳбарлари билан суҳбатлашдилар. Бир кунмас бир кун бу улкан кўргазманинг залларидан бирида Ўзбекистонда тайёрланган моллар ҳам намойиш этилишини ният қилдилар. Холис ният амалга ошмасдан қолмайди, дейишади.

Шу ўринда иқтисод ҳақида бир-иккита сўз. Ялпи миллий даромад йилига 237,9 миллиард (1990 йил) АҚШ долларини ташкил этади. Бу кўрсаткич ҳар бир фуқарога тақсимланганда 5569 долларга тенг келади. 1970 йилда эса бу кўрсаткич атиги 252 долларни ташкил этарди. Миллий даромад йилига 9 фоизга ўсмоқда. Бу жуда юқори кўрсаткич.

Корея ҳар йили 63 миллиард 124 миллион долларлик маҳсулотни четга экспорт қилади. Ўз навбатида 65 миллиард 127 миллион долларлик импорт товарларини олади.

Жаҳонга донг таратиб, бозорларини арзон ва сифатли маҳсулотлар билан эгаллаб олаётган Жанубий Корея маҳсулотларининг айрим турлари бўйича АҚШ, Япония сингари улкан давлатларни ҳам ортда қолдира бошлади. Ҳатто автомашиналар сотишда дунёга машҳур «Тойота», «Ниссан» сингари компаниялари бўлган Японияни ҳам Канада бозоридан сиқиб чиқарди. Бундай ҳол яқин орада АҚШда ҳам юз бериши мумкин.

Бу кичкина давлат корхоналари йилига 12 миллион 828 минг рангли телевизор ишлаб чиқаради. 1 миллион 279 минг автомашина тайёрлайди. 3,1 миллиард квадрат-метр сунъий толаси жаҳон бозори пештахталарини эгаллайди...

БУНДАН ўттиз йил муқаддам иқтисодда туб ўзгаришлар қилишга киришган Корея учун бу кўрсаткичлар кўзланган марра эмас. Оддий бир воқеа. Ўшанда, яъни 1962 йили ялпи миллий даромад 2,3 миллиард АҚШ доллари эди. Бу у ҳали айтганимиздек 237,9 миллиардга етди. Ўзингиз ҳисоб-китобини қилаверинг. Ҳаммаси ишга ўта масъулият, ишонч, юксак тартиб-интизом, фақат сифатли маҳсулот тайёрлаш, юқори малака ва билим туфайли. 1980 йилгача Жанубий Корея тўқимачилик, енгил саноат, автомашиналари билан машғул ва машҳур бўлди. Кейинги ўн йил ичида жаҳон бозори ва тараққиёт талабларидан келиб чиқиб, фан-техника технологиясига жиддий эътибор қаратилди. Шу талаблардан келиб чиққан ҳолда 1981 йилда Корея илм-фан ва технология институти ташкил этилди. Бу ерда кучайтирилган энг замонавий таълим жорий этилган. Бундан ташқари дунёдаги энг йирик илм-фан марказларидан бири Тэдок технополиси барпо этилмоқда. У шу йил охиригача қуриб битказилиши кўзда тутилмоқда. Бу илм-фан маркази 55 илмий текшириш ва конструкторлик институти, 3 университетни бирлаштиради.

Ҳозирги кунда энг замонавий электротехника асбоб-ускуналари ишлаб чиқариш бўйича жаҳонда энг олдинги ўринларни эгаллашга интилаётган Жанубий Корея бир неча йилдан сўнг бутун дунё бозорини забт этишига ҳеч кимда шак-шубҳа йўқ. Ҳозирдаёқ рангли телевизорлари, видеомагнитафонлари, видеокамералари, компьютерлари, қисқа тўлқинли печлари сотилмаётган мамлакат қолмади. Бугунги кунда «Самсунг», «Хендэ», «Даэву» компанияларининг шуҳрати оламга машҳур. Улар Мустақил Мамлакатлар Ҳамдўстлиги давлатларига ҳам дадил кириб келмоқда. Шу йил баҳорда «Самсунг» компанияси ўз молларини Тошкентдаги халқ хўжалик ютуқлари кўргазмасида намойиш этди. Ўзбекистон Президенти И. Каримов Кореяда бўлганида ана шу компанияда бўлиб, унинг раҳбарлари билан учрашди. Қизиқарли, айни пайтда икки томон учун ҳам фойдали суҳбатлар бўлди. Ана шу учрашувлар натижаси сифатида республикамизда «Самсунг»нинг биргаликдаги корхоналари, филиаллари бунёдга келса ажабмас.

Ўзаро савдо, иқтисодий алоқаларни йўлга қўйиш ва юқори даражада ривожлантириш Кореянинг экспорт-импорт банки президенти, Корея савдо-саноат палатаси, ишбилармонлар ассоциацияси, кичик бизнес ва саноатчилар федерациялари раислари билан бўлган учрашувларда ҳам асосий мавзу бўлди. Яхши истаклар билдирилди, режалар айтилди. Энди эса уларни амалга ошириш учун дадил ҳаракат керак. Бизнинг ишбилармонларимиз, корхона раҳбарлари, инженер-техник ходимлар, қолаверса барча ишчи-хизматчилар янгича ишлашга ўтиш учун жуда катта тайёргарлик кўришлари керак.

Сеулдаги «Соганг» университети — етук мутахассислар тайёрлайдиган илм даргоҳларидан бири. Бу ерда Кореянинг энг машҳур иқтисодчилари, бизнесменлари, банкирлари, молия ходимлари таълим олишган. Ҳозирги кунда ҳам у Кореяга ва бошқа тараққий этаётган мамлакатларга энг лаёқатли ва моҳир кадрларни тайёрлаб бермоқда. Бу илм даргоҳини тугатган кишиларни дунёнинг қарийб ҳамма давлатларида учратасиз. Бу ерда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов билан эсда қоларли учрашув бўлиб ўтди. Икки жумҳурият олимлари учун фойдали фикрлар билдирилди. Учрашув сўнггида И. Каримовга университетнинг фахрий доктори деган диплом ва махсус либос топширилди. Ўзбекистон Президенти билдирилган бу юксак ишонч учун университет илмий кенгашига, раҳбариятига миннатдорчилик билдирди.

Ҳар бир давлатда муқаддас жойлар бор. Энг азиз меҳмонлар эса ана шу жойларга ташриф буюрмасдан қолмайди. Ислом Каримов ва делегация аъзолари Миллий қабристонга бордилар ва мамлакатни ташқи босқинчилардан озод қилишда қаҳрамонларча ҳалок бўлганлар хотирасини эсга олдилар. Улар хотирасига гулчамбарлар қўйиб, корейсча расм-русумлар бажо этилди.

Кўҳна «Чандоккунг» император саройи Президентда ва делегация аъзоларида катта таассурот қолдирди. Бундан 800 йил муқаддам бунёд этилган бинолар ҳозирги кундагидай кўзга ташланиб турибди. Миллий бинолар, ўзига хос нақшбезаклар, моҳир ўймакорлик санъати. Уларни томоша қилар экансиз кўз олдингизда узоқ мозий гавдаланади.

...Кореянинг пайдо бўлиш тарихи узоқ. Корея ярим оролида одамлар сўнгги палеолит давридан бери яшайди. Милоддан аввалги IV асрдаёқ Чосон қудратли қўлдорлик давлати вужудга келган. Милоддан аввалги 109 йилда Хань давлати (Хитой) Чосонни босиб олади. Хитой босқинчиларига қарши кураш даврида (Милоднинг бошларида) Когурё, Пэкче, Силла сингари илк феодал давлатлар пайдо бўлган. VIII асрга келиб бу давлатлар ўзаро бирлашган ва қудратли давлатга айланган. 935 йилда Ван Гон Корё давлатига асос солди. (Корея номи шундан келиб чиққан). Шундай қилиб X аср охирларида феодал давлати пайдо бўлди.

Кейинчалик Кореяни бир неча аср давомида мўғуллар, японлар ва манжурлар босиб олишди. Ватан озодлиги учун курашда жуда кўп қурбонлар берилди. Шу аср бошларида Япония яна бир бор Кореяни ишғол этди. Ва бу босқинчилик иккинчи жаҳон урушининг сўнгги кунларигача давом қилди. Унинг кейинги тақдири эса сизга маълум.

Император саройидаги ёдгорликларда ана шу давларнинг бир қисми ўз ифодасини топган. Бунда ҳайкаллари, сопол ва чиннидан ясалган нафис буюмлар — узоқ тарихдан гувоҳлик бериб турибди.

Сарой боғидаги ҳовузчада турли хил балиқларни боқишади. Уларнинг ичида илоҳийлари ҳам бор, дейишади. Бу ерга ташриф буюрган ҳар бир сайёҳ ана шу ҳовузга бир нигоҳ ташламасдан ўтолмайди. Ҳовуз бўйида балиқлар учун емак сотилади. Балиқларга бир қисим емак ташлаган киши муродига етади, дейишади. Биз ҳам шундай қилдик.

Сеулда туни билан ҳеч ким ухламайди, деб ўйлайсиз. «Ҳақиқий олди-сотти бозори кечаси иккидан сўнг бўлади» дейишди шу ерлик хизматчилар. Тунги бозор қандай бўлишини бир кўрмоқчи бўлдик. Шу ният билан белгиланган вақтда бозорга қараб йўл олдик. Ўн дақиқалик йўл экан. Кундузги бозордан ҳам гавжум. Ҳаммаёқда дўконлар, кўчалар ҳам тўлиб-тошган. Аммо жуда қимматлиги ҳар қадамда миллий овқатлар пиширилмоқда. Биз бозорни бир соатлар чамаси томоша қилдик. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни кўздан кечирдик. Оддий одамлар билан суҳбатлашдик. Ҳаёт учун, яшаш учун кураш тунда ҳам давом этишини ўз кўзимиз билан кўрдик. Тиниб-тинчимаслик, пул топиш учун курашиш — корейслар учун энг олий фазилат эканлигини яна бир бор ҳис қилдик.

СЕУЛДА бўлган уч кунимизнинг ҳар бир дақиқаси ранг-баранг, қизиқарли учрашув ва воқеаларга бой бўлди. Илк бор Мустақил Ўзбекистон давлатининг хориждаги журналистларидай ҳис қилдик ўзимизни. Қани энди тез вақт ичида ўз элчихонамиз очилса, мухбирларимиз бўлса. Бу ердаги тарихий учрашувлар, бўлиб ўтган музокаралар ҳақида Ўзбекистон халқига ўз вақтида ҳозир-жавоб хабарлар бера олмай, виждонан қийналганларимизни ҳозир ҳам эсласак. бир хўрсиниб қўямиз. Қудратимиз ошиб, ҳазинамиз тўлиб, Республикамиз Президентининг ҳориждаги сафарларини ёритиш учун ўнлаб журналистлар ҳамроҳлик қиладиган кунлар келади. Биз ҳам ўшанда янада илҳом ва жўшқинлик билан ҳозиржавоб репортажлар битамиз. Уларни факсларда сунъий алоқа йўлдошлари орқали Ватанимизга етказамиз. Бу кунлар яқин, жуда яқин...

Делегациямиз Жанубий Кореядаги яна бир шаҳар Пусанга қараб йўл олди. Бу шаҳар аҳоли сони жиҳатидан Сеулдан кейинги улкан шаҳарлардан бири. Пусан шаҳрида 3 миллион 798 минг киши яшайди. Йирик порт ва саноат шаҳри. У Япон денгизи соҳилида жойлашган.

Биз «Хайат» меҳмонхонасига жойлашдик. Ёнгинамизда денгиз шовуллаб турибди. Ёз бўлса ҳам ҳаво анча салқин. Сеулдан бироз фарқ қилади.

Ўзбекистон Президенти ва делегация аъзолари «Даэву» корпорациясига ташриф буюришди. Бу корпорация Жанубий Кореядаги энг йирик машинасозлик магнатларидан бири. Унга бутун дунёга машҳур олим, Нобель мукофоти совриндори доктор Ким У Жун раҳбарлик қилади. Корпорация фақат турли автомашиналар ишлаб чиқаришгина қолмай, балки бошқа жуда кўп енгил саноат маҳсулотларини ҳам тайёрлайди. Уларнинг сонига етиш қийин. Бу ерда Ислом Каримов корпорация Президенти Ким У Жун билан батафсил суҳбатлашди, ундан жумҳуриятимизнинг мустақил автомашина ишлаб чиқарадиган корхонасини бунёд этишга ёрдамлашишни илтимос қилди, кореялик таниқли ишбилармонни Ўзбекистонга таклиф қилди. Дарҳақиқат, у кўп ўтмай жумҳуриятимизда бўлди. Ким У Жунни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов машинасозлик корхонаси бўладиган Асакага олиб борди. Меҳмонга таклиф маъқул тушди. Ишчи гуруҳлари тузилди. Агар ҳисоб китоблар кўнгилдагидек бўлса, 1993 йилнинг охирларига бориб Ўзбекистон —Корея Қўшма корхонасининг илк маҳсулотини мустақил жумҳуриятимизнинг йўлларида кўрасиз.

Мана сизга биргина ташрифнинг самараси. Кўплар ҳорижга ташрифни оддий сафар, саёҳат деб ўйлашади. Лекин делегация бошлиғи ва аъзоларининг чет элда қандай ишлашини, нафас олишга ҳам вақти бўлмаслигини, ҳар бир дақиқа ҳисоб-китобда эканлигини хаёлларига ҳам келтириша олишмайди. Ташқи ишлар вазирлигининг масъул ходимлари ташриф кунлари кеча-ю кундуз тиним билишмайди. Улар учун иш режими, ҳатто суткасига 24 соат ҳам етмайди.

Пусан шаҳридаги учрашувларимиз тун ярмигача давом этди. Меҳмонхонамизга шаҳар ҳокими, таниқли ишбилармонлар келишди. Қизғин суҳбатлар бўлди. Бу оқшом Жанубий Кореядаги энг сўнгги — тун эди. Ҳаммамиз яшин тезлигида ўтиб кетаётган кунларни, янги танишган дўстларни эслардик.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Жанубий Кореяда бўлган кунларини оммавий ахборот воситалари кенг ва атрофлича ёритиб турди. Радио ва телевидениедаги ҳозиржавоб кўрсатув ҳамда эшиттиришлардан ташқари «Кория Таймс», «Кория Геральд», «Чунан Ильбо», «Ханчук Ильбо», «Тона Ильбо» газеталарида рангли суратлар ва ҳисоботлар биринчи саҳифаларда чоп этилди. Делегация аъзолари билан суҳбатлар эълон қилинди. Ўзбекистонда яшайдиган корейслардан бири, делегация аъзоси, республика маҳаллий саноат вазири Виктор Чжен билан газетада эълон қилинган суҳбат, айниқса, кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Бўлиб ўтган матбуот конференцияси ҳам журналистларнинг Ўзбекистонга катта қизиқиш билан қараётганликларини амалда кўрсатди.

Хўш, Жанубий Кореянинг машҳур бўлиши, «аср мўъжизаси», деб тан олиниши сабаблари нимада? Бизнингча, биринчидан, у бутун халқини, энг талантли ёшларини вақтида кўзланган мақсад сари йўналтира олди. Уларни хориждаги энг обрўли олий билимгоҳларда ўқитди, тажриба олишига имконият яратди, ёрдам берди. Иккинчидан, четдан қарз олди-ю, лекин йирик компания, фирмаларнинг ашаддий «бостириб» кириб келишига йўл қўймади. Жаҳон бозорига ёриб кирди. Энг кучли рақобатчига айланди. Учинчидан, бу мамлакатда сифатсиз маҳсулот тайёрлаш жиноят ҳисобланади. Ўз фирмаси, мамлакати обрў-эътибори учун кураш фахри — бутун Корея халқи қалбидан жой олган.

Жумҳуриятимизда яшаётган корейсларнинг ишини, кўрсатаётган фидойиликларини сиз ҳам ўз кўзингиз билан кўргансиз. Улар чинакам ишбилармон, уддабурон халқ. Биз ҳам улардан кўп нарсани ўрганса-сак арзийди. Ахир айтишганку: «Оз-оз ўрганган олим, орланиб сўрамаган ўзига золим» — деб.

Сафаримизнинг тўртинчи куни. Пусан шаҳри, Жанубий Корея билан хайрлашяпмиз. Дунёга ўз иши, маҳорати ва ҳиммати ила ҳукмини ўтказаётган энг талантли кишилар юрти бизни кузатиб қолмоқда. Улар билан жуда иноқ, кўпдан бери танишдай қалин дўст бўлиб қолгандик. Бу дўстлик мустақил Ўзбекистон учун хизмат қилади. Жанубий Корея жумҳуриятимиз учун ўзининг мўъжизасини яна бир бор кўрсатади. Бунга ишонамиз.

Самолётимиз яна бир мўъжизакор юрт — Малайзия томон парвоз қила бошлади. Олдимизда ҳали янги одамлар, янги учрашувлар, дилдан бўладиган суҳбатлар турарди...

ТОШКЕНТ—СЕУЛ—ПУСАН.

● Дўконларда ҳамма нарса мўл-кўл.

● Сеул кўчаларидан бири.

Ж. РАЗЗОҚОВ олган суратлар.

1. 2. 3. 4.

● Утган йили Қумқўрғонда русча атама билан «Узкоопвнешторг» деган омборхона очилди. Омборхона идорасидагилар «Бисмиллоҳир раҳмонир роҳим, худо баракасини бергин», деб вилоят пиллачилик идорасидан 50 тоннадан зиёдроқ пилла олишди. Пилланн оппоқ қопларга жойлаб, босиб қўйишди.

● БУГУННИНГ ГАПИ

КАТТА БОЗОР КЎЧАСИДА

Ана энди пиллага харидор топсалар, уни сотишга рухсат ёрлиғи-лицензия йўқ. Лицензия олсалар — харидор йўқ. Шу тахлитдаги бор отангга, бор онангга ўйини олти ой давом этди. Шу орада пиллани у омбордан олиб, бу омборга солдилар, дориладилар. Ташқаридаги шийпон остига кўчирдилар. Яқинда ўша идорага бордим. Бу гал одамларнинг кайфияти бир қадар тузук. Ахир, пиллага харидор топилипти. Килосини Швейцария франкига сотадиган бўптилар. (Бир франк бизнинг 35 сўмга тўғри келар экан). Арзон! Лекин, шу алфозда тураверса, куя тущиб, нобуд бўлиб ҳам кетарди-да,..

Мен шу фактни шарҳлаб беришни сўраб республикада хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими, Жарқўрғон район пиллачилик идорасининг директори Эсон Ғаффоровга мурожаат қилдим.

— Халқимизда отанг — бозор, онанг — бозор, деган гап бор, — дейди Э. Ғоффоров. — Бу, бозор — тижоратнинг энг холис макони деган маънони билдиради. Пилламизнинг нархини олти франк, деб белгилашиптими, энди буни харидорнинг қувлигига эмас, аввало, маҳсулотимизнинг сифатига йўйишимиз керак.

Олти франк арзонми, қиммат? — деган саволга жавоб бермоқ учун Хитой пилласининг нархи жаҳон бозорида 25 доллар атрофида эканлигини эслатиб ўтиш кифоядир. Хитой пилласининг доғи бўлмайди, тола узунлиги 1000-1200 метрга (биздагилар 600—700 метрдан ошмайди) чўзилади. Хитой пилласининг толаси жуда кам узилади.

Энди сифатсиз пилла ўрагани учун биздаги ипак қуртлари эмас, бизнинг ўзимиз — пилла етиштириш билан шуғулланадиганлар сабабчидир. Биринчидан, вилоятимизда ипак қурти уруғини очирадиган завод йўқ. Уруғ қандай бўлишидан қатъи назар, уни топганимизга шукур қилиб, бошқа вилоятлардан ташиб келтирамиз. Ваҳолонки, пилланинг сифатли-сифатсиз бўлиши аввало, ипак қурти уруғининг қандай маромда очирилишига боғлиқ бўлади.

Қуртни қандай жойларда парвариш қилишимизни олинг. Японияда, масалан, ҳар битта ипак қурти алоҳида катакда боқилади. Бизда-чи? Бизда ипак қурти одамлар истиқомат қилиб ўтирган хоналар-у хонадонларда, нари борса оғилхоналарда боқилади. Мана бу йил районимизда 1947 хонадонда қурт парвариш қилинди. Биз айтамиз, ипак қуртининг 7 хил касаллиги бор. Унинг олдини олиш учун қурт боқиш жойларини дорилаш керак, деймиз. Лекин, қурт боқиладиган бўлса, кўчага чиқиб турингглар, хонани дорилаймиз, деб одамларга айтиб бўладими? Бўлмайди. Дориланмаган жойдан касаллик келиб чиқади. Бунинг оқибати маълум, маҳсулот сифатсиз бўлади.

Пиллачилик соҳаси бу йил қизғин мунозараларга сабаб бўлди. Пиллачиликка Президентимизнинг ўзлари эътибор қилдилар. Вазирлар Маҳкамаси пилла ҳосилининг чорак фойизини эркин нархларда сотиш учун хўжаликлар тасарруфига қолдириш тўғрисида қарор қабул қилди. Энди, тўғриси, биз фалон тонна пилла етиштирдик, деб эмас, пилламизнинг килосини фалон долларга сотдик, деб мақтаниш мумкин бўлдиган замонлар келмоқда. Энди, эҳтимол, маҳсулот сифатини дунёвий мезонларга чиқариш учун ҳаракат қилиш пайти келди.

«Пилланинг килосига давлат неча сўмдан пул берар экан?» — бу гап ҳар йилги мавсумда қизғин мунозараларга сабаб бўлади. Кўряпсизми, биз ўзимиз етиштирган хом ашёни пуллашни ўйлаймиз. Хом ашёни пуллашга ўрганиб қолганмиз. Ўша биздан пилла сотиб олган ташқи савдо кооперация идораси ҳам шу маҳсулот — пилланн йигирадиган ундан мато-атлас тўқийдиган дастгоҳ топиб келтирайлик, демайди, 6 франк кўзига оламжаҳон нарса кўриниб пуллайлик, дейди. Ваҳолонки, вилоятимизда бунақа дастгоҳлар анқонинг уруғидир.

Булар ҳаммаси «кумуш тола» ижодкорлари»нинг катта бозор кўчасида ҳамон «ҳангу-манг» бўлиб турганини кўрсатади. Шундаймасми?

О. УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЭРТАНГИ КУННИ ЎЙЛАБ

Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш борасида кейинги йилларда рўй берган ва тобора кучайиб бораётган инқироз, аҳоли турмуш даражасининг пасайиб кетаётгани, тақчил маҳсулотлар сони кўпайиб, нарх кўтарилаётгани, атроф-муҳит бузилиб, сув ичиш учун яроқсиз ҳолга келаётган бир даврда шаҳарлар тараққиёти алоҳида аҳамият касб этади. Шаҳарлар сонининг кўпайиши бўйича Ўзбекистон алоҳида ўрин тутади.

Шаҳар билан боғлиқ бўлган қизиқарли маълумотлар яқинда китобхонга тақдим этилган иқтисод фанлари доктори Э. Аҳмедов қаламига мансуб бўлган «Ўзбекистон шаҳарлари» номли китобда ўз аксини топган.

Олим китобда қамраб олинган масалаларни усталик билан қизиқарли ёрита билган. Шаҳарларнинг ташкил топиши шаҳар ва қишлоқ аҳолиси сонининг кўпайиши билан боғлиқ масалаларни ёритишда муаллиф жумҳуриятимизнинг ўзига хос табиий, иқтисодий ва миллий хусусиятларини, аҳоли анъаналарини ҳисобга олган.

Муаллиф ушбу китобда шаҳарлар тараққиёти билан боғлиқ масалаларни умуман республика ишлаб чиқарувчи кучларини мақсадга мувофиқ тарзда оқилона жойлаштириш зарурлиги масалалари, илмий-техника тараққиётини комплекс тарзда ривожлантириш, мавжуд ишчи кучларидан унумли фойдаланиш ва ниҳоят, аҳоли ҳаёт даражасини кўтариш масалалари билан бевосита боғланган ҳолда ёритишга интилган. Бу борада қимматли таклиф-тавсияларни олға суради. Булар ҳаётга татбиқ этилса, республика тараққиётида маълум силжишларга эришиш мумкин.

Таклифлардан бири йирик шаҳарлар, жумладан, пойтахтимиз Тошкент аҳолисининг ҳаддан ташқари кўпайиб кетишини чеклашдан иборат. Маълумки, сўнгги бир неча ўн йил давомида Тошкентда қатор йирик саноат корхоналари қурилиб, ишга туширилди. У илмий ташкилотлар, йирик олий ўқув юртлари, турли маданий-маиший корхоналар марказига айланди. Бу эса шаҳар аҳолисининг тез суръатлар билан кўпайишига олиб келди. Тўғри, шаҳарларнинг йириклашиши маълум ижобий хусусиятларга эга. Йирик шаҳарларда ижодий юксалиш учун зарур шарт-шароитлар мавжуд. Бироқ бундай шаҳарлар ҳаёт учун зарарли бўлган турли салбий хусусиятлардан ҳам ҳоли бўлмайди. Саноат корхоналари ва турли-туман транспорт хилларининг кўпайиши натижасида шаҳарнинг санитария-гигиена аҳволи мураккаблашади. Ҳавода турли зарарли моддалар кўпайиб, нафас олиш қийинлашади. Сув сифати ёмонлашади. Шовқин-сурон кўпаяди. Булар эса аҳоли соғлиғига путур етказмай қолмайди. Бундай шаҳарларнинг ҳаддан ташқари йириклашиб кетишининг олдини олиш чора-тадбирларидан бири аҳолиси эллик минггача бўлган кичик шаҳарларни ривожлантиришдан иборат. Бундай кичик шаҳарлар эса жумҳуриятда кўпчиликни ташкил этади.

Аҳолининг табиий кўпайиши юқори бўлган шаҳарларда уларни иш билан таъминлаш / муҳим аҳамиятга эга. Шуни ҳисобга олиб, муаллиф ўз китобида бу масалага ҳам эътибор берган. Уни ҳал қилишда йирик саноат корхоналари қуришни чеклаб, кичик корхоналар сонини кўпайтириш, касаначиликни авж олдириш, унутилиб бораётган ҳунармандчиликни ривожлантириш зарурлиги масаласини олға сурган. Китобда муаллиф Самарқанд, Бухоро, Хива каби кўҳна шаҳарларга алоҳида тўхталган. Маълумки, бу тарихий музей-шаҳарлар киши ақл-заковатини лол қолдирадиган нодир ва меъморчиликнинг ажойиб ёдгорликлари хазинаси сифатида жаҳонга номи таралган.

Китобда айрим хато-камчиликлар ҳам мавжуд. Баъзан янги маълумотлар борлигига қарамай, унда эски маълумотлар бериб юборилган (142-бет). Китобнинг 58- ва 153-бетларида келтирилган жадвалларидаги бир мазмундаги айрим рақамлар бир-биридан фарқ қилади. Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, «Ўзбекистон» нашриёти «Ўзбекистон шаҳарлари»ни чоп этиб, минглаб китобхонни хурсанд қилди. Яқиндагина босмадан чиққанлигига қарамай ҳозирнинг ўзидаёқ уни китоб дўконларидан топиб бўлмайди. Бундай китобларга бўлган талаб-эҳтиёжни ҳисобга олиб, уни сўнгги янгиликлар билан бойитган ҳолда қайта босиб чиқариш мақсадга мувофиқ бўларди.

З. АКРАМОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, жуғрофия фанлари доктори, профессор.

● КИТОБЛАР ОЛАМИДА

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛДИ

Юртимизни жаҳоннинг мутараққий давлатларидан бирига айлантириш, мустақилликнинг иқтисодий-маънавий асосларини барпо этиш «Ватан тараққиёти» партияси низомида муҳим ўрин тутади.

Янги тузилган партия ўтиш даврининг масъулиятини ҳис этиб, республика жамоатчилиги, ишбилармонлар, зиёлиларга таяниб иш кўради, Ўзбекистонда тинчлик, осойишталик; миллий тотувлик сиёсатини тарғиб қилади.

«Ватан тараққиёти» партиясининг Бош котиби У. Азимовга мазкур партия Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳнома топширилди. Шунингдек Республика «Садаф» ёшлар уюшмаси, рассомлар ва халқ усталари уюшмаси, хоккей ҳамда гандбол федерациялари ҳам рўйхатга олинди.

(ЎзА).

ҚИТЪАЛАР ВА ОДАМЛАР

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

ЯПОНИЯ: **ИШЧИ ГУРУҲИ МАЖЛИСИ**

● Токиода Россия билан Япония ўртасидаги сулҳ партиномаси ишчи гуруҳининг мажлиси бўлди.

Дастлабки соатлар Россия президенти Б. Ельциннинг Японияга ташрифи режасини келишиб олишга қаратилди. Бу ташриф шу йилнинг 14-15 сентябрь кунлари бўлиши режалаштирилган. Томонлар Яқин Шарқдаги энг ривожланган давлат билан янги Россия муносабатлари тарихида олий даражада бўладиган илк ташрифга катта аҳамият беришаётир.

АҚШ: **ПРЕЗИДЕНТЛИККА НОМЗОД**

● АҚШ демократик партияси 41-умуммиллий съезди бўлди.

Анжуманда демократлар стратегияси ва тактикасини белгилайдиган кенг қўламли сиёсий дастур аниқланди. Айни чоғда АҚШ президенти лавозимига демократик партиянинг номзоди ҳам кўрсатилди.

Арканзас штати губернатори Билл Клинтон Қўшма Штатлар маъмурияти бошлиғи лавозимига расмий равишда кўрсатилганлигини анжуманнинг жуда кўп делегатлари қўллаб-қувватладилар.

ҚИРҒИЗИСТОН: **ВАЗИР ТАШРИФИ**

● Руминия ташқи ишлар вазири Адриану Нэстасе Бешкекга келди.

Руминия делегацияси таркибида расмий шахслардан ташқари ишбилармонлар ҳам бор. Режага мувофиқ меҳмонлар Қирғизистон президенти Асқар Акаев билан учрашадилар. Ишбилармонларнинг эса саноат, маданият, савдо ва моддий ресурслар вазирликларида учрашувлари мўлжалланган.

УКРАИНА: **ИҚТИСОД ЯХШИ ЭМАС**

● Украина саноат корхоналарининг фаолияти ҳақида дастлабки натижалар эълон қилинган.

Йилнинг биринчи ярмида ишлаб чиқаришнинг пасайиши ўтган йилга таққослаганда аниқ кўзга ташланади. Фақатгина июнь ойида истеъмолчиларга 12 миллиард сўмлик маҳсулот кам етказиб берилди. Расмий маълумотларга кўра корхоналарнинг 7,8 фоизи шартнома интизомини бузган.

ЮГОСЛАВИЯ: **КУЗАТИШ ИШЛАРИ БОШЛАНДИ**

● Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Сербия ва Черногорияга қарши эълон қилган таъқиқига қандай риоя этилаётганини кузатиш ишлари бошланди.

НАТО ва Ғарбий Европа иттифоқи томонидан ажратилган иккита ҳарбий денгиз эскадраси Черногория соҳилини ва Адриатика билан Қора денгизни туташтирувчи Отранта қўлтиғини назорат қилишади.

Кузатув ишларида жанговар кемалардан ташқари соқчилик қилувчи самолётлар ҳамда чамаси учадиган авакс радарлари ҳам иштирок этади.

ТУРКМАНИСТОН: **АРМИЯ ВА МИЛЛИЙ ГВАРДИЯ ТУЗИЛДИ**

● Туркманистон ўзининг армияси ва миллий гвардиясига эга бўлади. Республика Вазирлар Маҳкамаси шу ҳақда қарор қабул қилди.

Мудофаа ишлари вазирлиги Туркманистон мудофаа вазирлигига айлантирилади. Миллий гвардияда хизмат қилувчилар сони минг нафар киши бўлади.

ВАТИКАН: **СОҒЛИҒИ ЯХШИ**

● Рим католик черковининг бошлиғини операция қилишда қатнашган профессор Каррадо Манн Иоанн Павел II операция вақтида ўзини бамисоли 20 яшар йигитдек бардошли тутганлигини айтди.

Тиббий ходимлар Папанинг иккинчи бор операция қилинишига зарурат йўқлигини айтмоқдалар. Таҳминан яна ўн кунлардан кейин уни касалхонадан чиқариш мумкин деб ҳисоблашмоқда.

АНГЛИЯ: **МАШҲУР ФУТБОЛЧИГА ОРДЕН**

● Жаҳон Футбол Уюшмасининг олтин ордени Цюрих шаҳрида 77 ёшли Стэнли Меттьюзга топширилди.

Англия терма жамоаси сафларида 50 ёшигача ўйнаган машҳур ҳужумчининг майдонлардаги маҳорати шундай тақдирланди. Чарм тўп устасига мукофотни Жаҳон Футбол Уюшмасининг президенти Жоао Авеланж топширди.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва рўзномаларнинг хабарлари асосида тайёрланди).

МАЪНАВИЙ ПОКЛАНИШ АСОСИЙ ДАСТУР

● Ҳозирги кунда жумҳуриятимиз тақдирида туб ўзгаришлар содир бўлмоқда. Улардан энг бебаҳоси юртимизнинг мустақилликка эришгани, Республикамизнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлиши, ўзга давлатларнинг жумҳуриятимиз мустақиллигини тан олиши ҳисобланади.

Эндиликда жамиятимизнинг гуллаб-яшнаши учун унинг заминидаги бойликлари етарли бўлса-да, аммо унга тўсқинлик қилувчи омиллар ҳам бор. Бу мустамлакачилик даврининг фуқаролар онги ва руҳиятига сингиб кетган маънавият инқирозидир. Ҳозир қайтадан покланиш йўлини ўйлаб, унинг барқарор бўлиши учун кураш олиб бориш мустақилликка қадам қўйган жумҳуриятимиз сиёсатининг ажралмас қисмига айланиши лозим.

Фикримизча, жумҳуриятимиз миқёсида барча ижтимоий муаммолар тўғрисида режалар, дастурлар тузилган экан, улар қаторида маънавиятимиз аҳволи, унинг истиқболига тегишли масалаларни ҳам расмий равишда давлат сиёсати режаларига қўшиш даркор. Жумҳуриятимиздаги маънавият учун аҳамияти бор барча кучлардан фойдаланишимиз керак. Улар академияларимиз илм-гоҳларида, ёзувчилар иттифоқида, жумҳуриятимиздаги элликдан ортиқ институтлар, журнал ва газеталар таҳририятларида самарали меҳнат қилмоқдалар. Ачинарлиси шундаки, республикамизда кўп минг сонли маданият ва маънавият ходимлари бўлса-да, лекин уларнинг тинимсиз меҳнатлари салмоғи, натижаларининг омма маънавиятига таъсирчанлиги сезиларли эмас. Жамиятимизнинг ҳозирги манфаатлари эса бу ишларнинг самарасини оширишни талаб қилади.

Айтилган истиқбол манфаатларини кўзда тутиб, бизнинг таклифимиз шундан иборатки, бу соҳадаги ишларни жамоалар ва ижтимоий гуруҳлар орасида идора қилиш, уларнинг натижаларини оммалаштириш, бир-бирига мувофиқлигини амалга ошириш учун республика миқёсида «Маънавий тарбия маркази» деган жамоатчиликка асосанган ташкилот барпо этиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Республикамизнинг бундан буёнги тақдири ва истиқболи унинг аҳолиси, миллати, фуқароларининг иродасига, феъл-атворига, ҳур фикрлигига айниқса, ватанпарварлик хислатларининг барқарорлигига боғлиқ бўлиб қолди. Жумҳуриятимизнинг истиқбол йўлида сон-саноқсиз мураккаб вазифаларни изчиллик билан ҳал қилиш миллатимиз учун нақадар долзарб масала бўлиб турганида, маънавиятимизнинг ватанпарварлик йўналишидаги ривожланишига лоқайдлик билан, ўзибўларчиликка ташлаб қўйиш мустақиллик манфаатларига зарар келтиради деб баҳоланиши лозим.

Бундай долзарб муаммо тўғрисида қайғуриш, унинг равнақи учун амалий иш билан намуна кўрсатиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Б. ҒАНИЕВ,
тиббиёт фанлари доктори, профессор,

Ф. СУЛАЙМОНОВА,
филология фанлари доктори.

Х. АЛИҚУЛОВ,
фалсафа фанлари доктори, профессор

М. ДАВЛЕТШИН,
психология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби.

● МУШТАРИЙ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ҚЎШМА КОРХОНА ИСТИҚБОЛИ

● Асака пахта заводи қошида ташкил этилган «Ас—Шетекс» қўшма корхонаси Фарғона водийси вилоятларидангина эмас, балки қўшни Қирғизистон Республикаси, Москва вилояти шаҳарлари, Бошқирдистон ҳамда Россиянинг кўпгина бошқа жойларидан ҳам буюртма олмоқда. Бу ерда тикилаётган болалар ва аёллар устки кийимларининг сифатли ва бежиримлиги муваффақият гарови бўляпти.

Ишни бор-йўғи уч хил кийим тикишдан бошлаган қўшма корхона ҳозир 30 дан ортиқ турли маҳсулот тайёрламоқда. Кейинги уч ойнинг ўзидагина 300 минг сўм фойда олинди.

— Корхонамизни комбинатга айлантирмоқчимиз, — дейди «Ас—Шетекс» директори О. Қурбонов. — Олинаётган фойда ҳисобига тикув фабрикаси ёнида йигирув-тўқув корхонаси бунёд этамиз. Ҳозир тикувчиларни 250 кишига етказиб, рўмол, жемпер, пальто цехларини очишни ҳам режалаштиряпмиз.

(ЎзА).

ҲАҚИҚАТНИ АЙТИШ ҲУҚУҚИ

● Москвадаги оммавий ахборот воситалари Ўзбекистон ҳақидаги шов-шувли хабарлар билан дунёга жар солмоқда. Бир неча кун муқаддам «Новости» («Янгиликлар») телепрограммасининг ходими ўзини билимдон кўрсатиб, телетомошабинларга сўнгги вақтда Тошкентда муҳолифият қувғин қилинаётганини, унинг намояндаларига нисбатан 20 та жиноий иш қўзғатилганини айтди. «Бирлик» жарчиси А. Усмонов унинг ёнига қўшилиб, «Комсомольская правда» газетасида гўё Тошкент Мустақил демократик давлатлар ҳамдўстлигида сиёсий тангликни куч ишлатиб ҳал этишнинг жазо усуллари учун синов майдонига айланиб қолди, деб огоҳлантирди...

Ўзбекистонда яшаётганларга бу гапларнинг беҳудалиги равшан. Шунга қарамай, айтилган сўз — отилган ўқ, дейдилар... Айни шу боисдан Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг мухбирлари шарҳлашни сўраб, республика прокурорининг муовини—Тошкент шаҳар прокурори Т. Қ. МИРЗАЕВга мурожаат этишди. Аввало, гўёки сўнгги кунларда жиноий иш қўзғатилган 20 киши хусусида сўзлаб беришни илтимос қилишди.

— Ҳозирги вақтда шаҳар прокуратурасида шу тоифадаги 4 та жиноий иш мавжуд. Ишлар қўзғатилганига анча бўлган ва улар муҳолифият намояндаларига эмас, балки республикада амал қилаётган қонунларни бузган муайян фуқароларга қарши қаратилган.

Шу жиноий ишлардан бири 18 март куни «Эрк» газетасида Тоғли Қорабоғдаги воқеаларга бағишланган миллатлараро низони авж олдиришга қаратилган, зўравонликка даъват этувчи мақола эълон қилиниши муносабати билан қўзғатилган эди. Маълумки, бу хил хатти-ҳаракатлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида тақиқланган. Мақола муаллифи Тоғли Қорабоғдаги воқеалар моҳиятини қаддан ташқари жўн талқин этиб, озарбойжон ва арман халқлари ўртасидаги мавжуд мураккаб муаммоларнинг тарихан чалкаш тугунини ҳар икки халқнинг Ўзбекистонда яшайдиган вакилларига ҳам боғламоқчи бўлган. Республикамизда озарбойжонлар ҳам, арманлар ҳам оз эмас. Газетада эълон қилинган — томонлардан бирини қўллаб-қувватлашга даъват қон тўкилиши хавфини келтириб чиқариши мумкин эди. Биз эса Фарғона воқеаларининг даҳшатини унутганимиз йўқ. Республикада бу хил воқеаларнинг такрорланишига йўл қўйиб бўлмайди.

Айтмоқчи, қўзғатилган бу жиноий иш ўша вақтдаёқ — мақола муаллифи телевидение орқали расмий равишда газетадаги мақоласининг хато эканини тан олиб, мақола мазмунидан келиб чиқиши мумкин бўлган хулосаларни ошкора қоралаганидан сўнг тўхтатиб қўйилган. Қонун — инсонпарвар, у содир этилган, аммо кейинчалик оқибати англаб етилган хатолар учун таъқиб қилмайди.

Иккинчи иш ёзувчилар атрофида ўралашиб юрган «жамоатчилик»нинг беруҳсат йиғин ўтказиб, ўзбошимчалик билан ғайриқонуний «Қорабоғ» комитетини тузгани билан боғлиқ. Бу комитет шунчаки расмият нуқтаи назаридан эмас, балки моҳияти тажовузкор, яна ўша миллатлараро низони келтириб чиқаришга, зўравонликни авж олдиришга — бир халқ манфаатларини иккинчи халқ манфаатларига қарши қўйишни қўллаб-қувватлашга қаратилгани учун ҳам ғайриқонунийдир. Прокуратура Ўзбекистон қонунларига, шунингдек, халқаро ҳуқуқий меъёрларга асосланиб, чора кўришга мажбур бўлди: икки қўшни халқ ўзаро муносабатларини ташқаридан аралашувсиз ўзлари ҳал қилишлари лозим.

Бироқ ғайриқонуний комитет фаоллари бу ҳолни назар-писанд қилмадилар, қутқу солишдан иборат ғайриқонуний фаолиятларини тўхтатмадилар. Улар Тошкент аҳолисини 22 март куни Мустақиллик майдонида ўтказиладиган митингда қатнашишга чақирдилар. Башарти, мазкур иғвогарликлар рўёбга чиқиб, ақл-идрок ўрнига эҳтиросларга авж олиб, кўп минг кишилик оломон жунбушга келганида бу воқеалар оқибати нималарга олиб бориши мумкинлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Аммо улар ақл-идрок билан иш тутмай, қайсарлик қилиб, ўз билганларидан қолмадилар. Ана шундан кейингина «Қорабоғ» комитетининг ўжар фаоллари ҳақиқатан ҳам жавобгарликка, лекин жиноий жавобгарликка эмас, фақат маъмурий жавобгарликка тортилди. Одамларни можароли митингбозликка даъват этувчи варақаларни шаҳар бўйлаб намойишкорона ёпиштириб юрган икки нафар тартиббузар қонунга мувофиқ 15 кун қамоқ жазосига ҳукм этилди, қолганларига жарима солинди ёки улар расмий равишда огоҳлантирилди.

Шу тусдаги яна бир жиноят апрель ойида рўй берди. Жиноий иш қўзғаш учун эса аниқ далил бор эди: «Бирлик» халқ ҳаракатининг яширин равишда нашр этилаётган газетасида халқ сайлаб қўйган олий ҳокимиятга туҳмат қилинган. Маълумки, давлат ҳокимияти раҳбарларининг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя этадиган қонун бор. Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексида ҳам шу тусдаги ғайриқонуний ҳатти-ҳаракатлар учун жиноий жавобгарликни кўзда тутадиган 191-модда мавжуд. Шуни ҳам айтиш керакки, барча маърифий дунёда ана шундай ҳуқуқий меъёр қабул қилинган. Шу ишни тергов қилиш жараёнида маломатгўйларнинг шахси аниқланди, улар орасида юқорида номи зикр этилган Анвар Усмонов ҳам бор эди. Тафсилотларни аниқлаш учун прокуратурага таклиф этилганда, у негадир Ўзбекистон ҳудудидан чиқиб кетишни афзал кўрди.

Ниҳоят — Тошкент прокуратурасида қўзғатилган шу тоифадаги сўнгги жиноий иш. Бу ишнинг «қаҳрамони» ўша маълум ва машҳур «ҳаракат»нинг вакили Ёдгор Обиддир. Бу иш ҳозир ҳамма билган Душанбе шаҳрининг Шаҳидон майдонида бўлган воқеалар билан боғлиқ. Мазкур вакил Шаҳидон майдонида май ойида бир неча кунлаб давом этган митинг қатнашчилари ҳузурида Ўзбек халқи номидан сўзга чиқиб, Тожикистондаги мавжуд конституциявий ҳокимиятни агдаришга қаратилган ҳаракатларни маъқуллаган, Ўзбекистон ҳукумати шаънига туҳмат ёғдирган.

Душанбеликлар унинг нутқини видеокассетага ёзиб олиб, «Бу — бизнинг ишимиз, ўзимиз ҳал қиламиз, сизлар эса ўз фуқароларингизни тартибга ва мустақил давлат қонунларини ҳурмат қилишга чақириб қўйинглар» деган талаб билан Тошкентга юборишдилар.

Собиқ Марказдаги виждони жуда пок деб бўлмайдиган журналистларнинг нохолис талқинида Ўзбекистонда муҳолифиятга қарши авж олдирилган кенг миқёсли жазо тадбирлари бўлиб кўринаётган ҳамма ишлар мана шулардан иборат.

— Яна бир масала: чет эл оммавий ахборот воситалари «Бирлик» раҳбари Абдураҳим Пўлатов қалтаклангани хусусидаги миш-мишларни такрорлагани-такрорлаган. «Мустақил» журналист Анвар Усмоновнинг яқинда айтишича, Пўлатов қалтакланганда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари вакиллари бир четда томошабин бўлиб туришган эмиш. Жабрланувчига ҳеч қандай ёрдам қилмаган эмиш.

— Усмонов бўлган гапни атай бузиб кўрсатмоқда. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг ходимлари бу ҳодисага тасодифан шоҳид бўлиб қолганлар. Улар жабрдийдаларга ёрдам қилмади, дейиш инсофдан эмас. Улар Пўлатовга ёрдам беришга дарҳол етиб келмаганларида, воқеа фожиалироқ тугар эди. Прокуратура ва ички ишлар бошқармаси вакиллари аралашгандан кейингина безорилар қочиб кетишган. Прокуратура ходимлари «тез ёрдам» машинаси келишини кутмай, Пўлатов ва унинг дўстларини касалхонага олиб боришган.

Маълумки, «Бирлик» раҳбарини қалтаклаш воқеаси хусусида жиноий иш қўзғатилди. Шу ўринда эътиборингизни бир тафсилотга жалб этмоқчиман. Муҳолифатдаги журналистлар Пўлатов қалтакланганги ҳақида бутун жаҳонга жар солиб, нима учундир унинг ёнида адвокат М. Одилов ва унинг биродари борлигини, улар ҳам қалтакланганини унутиб қўймоқдалар...

Бизнингча, бундай бир ёқламалик тасодифий эмас. Гап шундаки, «Бирлик»нинг можароталаброқ вакили М. Одилов фақат 29 июнь куни қалтаклангани йўқ. У бир кун олдин ҳам дўппосланган. Шу юзасидан Тошкент шаҳар Собир Раҳимов район прокуратураси алоҳида жиноий иш қўзғатган. Бугина эмас. Ўша Одилов май ойининг охирида ҳам қалтакланган. Бундан кимлардир М. Одиловни таъқиб қилмоқда, деган мантиқий хулоса чиқади. Лекин Одилов ғаниларининг бу хил муттасил «эътибори» сабаблари ҳақида кўрсатув беришдан бош тортмоқда. Шундай савол туғилади: М. Одилов Абдураҳим Пўлатов учун тақдири кажрафтор бўлмадимикан? Пўлатов Одиловнинг касрига қолмадимикан? Равшанки, буларнинг бари ҳозирча тахмин, бу тахминларни ҳали пухта текшириш лозим.

• Қардошлик •

ҚИРҒИЗ МАДАНИЯТИ МАРКАЗИ

● РЕСПУБЛИКАМИЗДА 60 дан ортиқ миллий маданият маркази ишлаб турибди. Пойтахтимизда Тошкент вилоятлараро қирғиз маданияти маркази тузилди.

Ўзбекистонда, асосан Андижон, Жиззах, Сирдарё вилоятларида 170 мингдан ортиқ қирғиз яшайди. Улар қадим-қадимдан ўзбеклар, қозоқлар ва бошқа халқлар билан елкадош. Бобокалонларимиз ер-сув, яйлов, қўшни танлашда янглишмаганлар. Қирғиз ва ўзбек халқлари дунёдаги йигирмадан ортиқ элатларни бирлаштирадиган улкан турк миллатининг таркибий қисмидир. Маҳмуд Қашғорий, Юсуф Ҳож Ҳожиб каби алломалар барча турк халқларининг фахридирлар.

Биз ўзбеклардан кўп нарса ўргандик — дин, эътиқоднинг кучини сездик, муомала маданиятини билдик, деҳқончилик, пахтачилик сир-асрорларини ўзлаштирдик. Бизда мактабгача тарбия ходимлари йўқ, деса бўлади. Ўзбекистонда қирғиз тили ва адабиёти, тарихи, физика-математика, химия, биология каби фанлардан қирғизча дарс бера оладиган ўқитувчилар кам. Қирғиз ёшларидан олимлар чиқмаётир. Докторларимиз ва кандидатларимизнинг ўртача ёши 50 да. Ҳатто халқ театри ҳам йўқ.

Тошкент қирғиз маданияти-марифий марказида миллий қирғиз маданиятини тиклаш ва ривожлантиришга, қирғиз тили ва адабиётини чуқур ўрганиш, ибратли анъана ва урф-одатларни тарғиб қилиш ва жорий этишга, ўзбек тили ва маданиятини чуқур ўрганишига алоҳида аҳамият берилади.

Биз Ўзбекистонда яшаётган қирғизларнинг ҳаётини акс эттирадиган китоблар, рисолалар, ўзбек-қирғиз дўстлигини кўрсатадиган асарлар, қирғиз тили, тарихи, халқ оғзаки ижоди, этнографиясини ёритадиган асарлар, кинофильмлар яратишимиз керак. Тошкент ва бошқа шаҳарларда бунёд этилган қардош халқларнинг маданият марказлари тажрибасини ўрганамиз. Тошкентда қирғиз маданияти этнографияси ва турмушини кўрсатадиган музей ташкил қилиш, турли танловлар ўтказиб туриш ниятимиз бор. Ниҳоят, Ўрта Осиё ва бошқа мамлакатларда яшаётган қирғизлар билан маданий алоқаларни тиклашимиз керак.

Хулоса қилиб айтганда, мустақил Ўзбекистон билан Қирғизистон, қардош ўзбек ва қирғиз халқлари ўртасидаги иқтисодий-маданий алоқаларни мустаҳкамлаш, турк халқларининг жипслигини таъминлаш маданий марказимизнинг асосий вазифаси бўлиб қолади.

Суюн ҚОРАЕВ,
Ўзбекистон Фанлар академияси Тилшунослик институти катта илмий ходими, Тошкент қирғиз маданияти маркази раиси.

● Бухородаги ёш техниклар станциясида коннот сирларини ўрганишга бағишланган моделларни яратишга қизиқиш катта. Бу ерда қариб 35 йилдан бери тўгаракка раҳбарлик қилаётган Идрис Раҳмонов (чапда) иқтидорли шогирди Улуғбек Қурбонов билан кўрик танловдан муваффақиятли ўтиш учун ҳаракат қилмоқда.

Суратда: устоз ва шогирд янги моделни кўздан кечиришмоқда.

Суратчи: Р. АЛЬБЕКОВ.

ВИЛОЯТЛАРДАН ДАРАКЛАР

ХОРАЗМ

«АФҒОН»ЛАР ЭЪЗОЗДА

● СОБИҚ Совет ҳукуматининг хато сиёсати туфайли қўшин Афғонистондаги фуқаролар урушига жалб этилган байналмилалчи жангчиларни хоразмликлар ҳурмат ва эҳтиром билан эъзозлашади.

Айни пайтда улар уч минг нафардан кўпроқ бўлиб, воҳанинг деярли ҳамма шаҳар ва ноҳияларида фаолият кўрсатаётган махсус байналмилалчи ташкилотларга уюшган. Собиқ афғончилар айни пайтда ҳар томонлама қулайлик ва ғамхўрликлар билан қуршаб олинган. Ёш жангчилар бугунги кунда халқ хўжалигининг деярли барча тармоқларида олиб борилаётган бунёдкорлик ишларида фаол қатнашмоқдалар. Афғон урушидан ногирон бўлиб қайтганлар эса қўшимча ғамхўрлик ва имтиёздан ҳам баҳраманд бўлмоқдалар. Ўша урушда 78 нафар хоразмлик йигит шаҳид бўлишган. Уларнинг хотираси ҳам эъзозланмоқда, кўпчилигининг номлари эса абадийлаштирилган.

Яқинда байналмилалчи жангчиларнинг шаҳар ва район ташкилотларига вилоят ҳокими жамғармасидан 130 минг сўм пул ажратишга қарор қилинди. Бу катта иқтисодий ёрдам собиқ «афғон»чиларни бозор иқтисодиёти зуғумидан ижтимоий ҳимоя қилишга, ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашга сарф этилади.

ХАЗОРАСПДА ТЎХТАБ ЎТАДИ

● «ТОШКЕНТ— Нукус», «Тошкент — Бейнов», «Самарқанд — Москва», «Ашгобад—Москва», «Душанбе — Москва» ва бошқа йўллар бўйлаб ҳар иккала томонга қатнайдиган поездлар Ўрта Осиё темир йўлининг Оролбўйи бўлими қарорига мувофиқ Ҳазорасп станцияси бекатида бир неча дақиқа тўхтаб ўтадиган бўлди.

Зеро, станциянинг янги вокзали биноси олдидаги кенг саҳнали майдонда харидорбоп қар хил саноат ва озиқ-овқат маҳсулотлари ва совғабоп буюмлар ва моллларга тўла, чин маънодаги шарқона бозор фаолият кўрсата бошлади. Ҳазорасп — Хоразмнинг жанубий дарвозаси бўлиб, «Буюк ипак йўли»да жойлашганлигидан, унинг аҳолиси ҳам қадимдан «йўл усти олди-сотди» ишларининг маҳоратли ва ишбилармон ташкилотчиларидан ҳисобланишади. Ҳазорасп станцияси бекатидаги тўкин-сочин бозор «пўлат из» йўловчиларига ғоят манзур бўляпти. Зеро, бу ердан шошилинч равишда бўлсада хоҳлаган нарсани сотиб олиш мумкин.

ИЛМИЙ-МАЪРИФИЙ УЮШМА

● 1950 ЙИЛДА ташкил топган вилоят «Билим» жамияти ўтган давр ичида воҳа меҳнаткашлари орасида илмий, адабий, ижтимоий-сиёсий, техникавий билимларни тарғиб қилишда кўпгина намунали ишларни амалга оширди, меҳнаткашларни ватанпарварлик, байналмилалчилик, қардошлик ва биродарлик, юртга садоқат руҳида тарбиялашга салмоқли улуш қўшди.

Ҳозир ташкилотга вилоят зиёлилари, халқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг турли жабҳаларида фаолият кўрсатаётган мутахассислардан 3550 нафардан ортиқ аъзо уюшган бўлиб, улар маърифат, илм-фан тарғиботи ҳамда малака ошириш йўналишлари бўйича ташвиқот ва тарғибот ишлари олиб бормоқдалар.

Яқинда ана шу жамият асосида вилоят зиёлиларининг илмий-маърифий уюшмаси фаолият кўрсата бошлади. Унинг ташкилий йиғилишида уюшманинг янги раҳбарияти ва кенгаши сайланди, истиқболи белгилаб олинди. Йиғилишда Хоразм давлат университетининг профессори Олланазар Собиров уюшма раиси қилиб тасдиқланди.

Э. МАДРАҲИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН

ЯНГИ АВТОВОКЗАЛ

● Шу кунларда республикамизнинг барча шаҳар ва районларида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг бир йиллигини муносиб нишонлаш учун тайёргарлик ишлари авж олдириб юборилди.

«Каракалпакстранс» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли автокорхоналар ҳам байрамга муносиб ҳозирлик кўришмоқда. Жумладан, яқинда Манғит, Бўстон, Қўнғирот шаҳарларида, Кегейли, Шуманай районлари марказларида автостанциялар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Куни кеча эса Хўжайли шаҳрида соатига 200 йўловчини қабул қиладиган ва манзилларига жўнатадиган автовокзал қурилиши битказилиб, ишга туширилди.

Эндиликда Хўжайлидаги янги автовокзалдан Ленинобод, Чимбой, Шуманай районларига, шунингдек, Хоразм вилояти, Туркманистон республикасининг Тошҳовуз вилояти шаҳар ва районларига автобуслар қатнай бошлади.

ҚИШЛОҚҚА ГАЗ КЕЛДИ

● Қорақалпоғистон Республикаси Беруний районида қишлоқ хонадонларини газлаштириш жадал бормоқда.

Ўтган йили қариб 21 километр газ қувурлари ётқизилганди. Шу йилнинг беш ойи мобайнида 8 километрлик масофада қувурлар ўрнатилди. Бунинг натижасида юзлаб хонадонларда «зангори олов» ёна бошлади.

Районда аҳолини ичимлик тоза сув билан таъминлаш ишлари ҳам яхши йўлга қўйилган. Беруний, Будённий номли, «Халқобод» давлат хўжаликларида ушбу тадбирларни тезроқ амалга ошириш имкониятлари қидирилмоқда. Жумладан қурилиш материаллари, қувурлар ва бошқа зарурий ускуналар мол айирбошлаш усули билан келтириляпти. Ҳозиргача районда 20 километрлик водопровод қувурлари ётқизилди.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



СПОРТ

ХАЛҚАРО ДАВРАДА

● ЭРТАГА Барселонада олимпиадани ёритиш учун келган журналистлар билан Ўзбекистон Республикаси вакиллари ўртасида матбуот конференцияси ташкил этиш мўлжалланган.

Маълумки, олимпиада тўрт йилда бир ўтказиладиган йирик спорт анжумани. Олимпиада баҳсларида иштирок этишнинг ўзи ҳар бир спортчи учун катта фахр. Спортчилар, уларнинг устозлари, маданият ва санъат ходимларидан иборат мустақил Ўзбекистон вакиллари ўзига хос халқаро даврада журналистларнинг қизиқтирган саволларига жавоб берадилар. Бу ерда «Ўзбекистон уйи»ни очиш кўзда тутилган. Халқимизнинг қадимий анъана, мерос ва қадриятлари, фан ва маданиятимиз ютуқлари, мустақиллик одимлари ҳақида мулоқот бўлади.

ҲАМ ЧОЛҒУ, ҲАМ ҚУШИҚ

● БАРСЕЛОНА олимпиадасининг тантанали очилиши ва ёпилишида куйланадиган қушиқ пластинкаси тайёрлаб қўйилди.

«Бир умрга дўстмиз» деб аталган бу қушиқнинг мусиқасини) инглиз бастакори Эндрю Уэббер яратди. Қушиқ матнини Дон Блак ёзган. Уни испаниялик хонанда Глория Эстефан куйлаши кўзда тутилмоқда. Олимпиада ташкилотчилари эса бу қушиқ юҳангини мусобақанинг очилишида чолғу-асбоблар ёрдамида чалиб, тантанали равишда куйлатишни мўлжаллаб туришибди.

ФРАНЦИЯ ЙЎЛЛАРИ БЎЙЛАБ

● КЎП КУНЛИК халқаро велопойга Барселона олимпиадасининг тантанали очилиш куни якунланади.

Соврин учун кураш тобора қизғин тус олмоқда. Тошкентлик профессионал пойгачи Жамолиддин Абдужабборов ҳам бўш келмаслиққа ҳаракат қилмоқда. У Люксембург — Страсбург шаҳарлари оралиғидаги 217 километрли ўнинчи босқични беш соат, икки минут 45 секундда босиб ўтиб, маррада иккинчи бўлди.

• Турмуш чорраҳаларида •

БИР ХИЛ ҚИЁФАДАГИ ИККИ ХИЛ ОДАМЛАР

Мақоламга сарлавҳа қўйдим-у, ўйланиб қолдим. тўғри бўлармикан?

«Жуда тўғри бўлади. — Виждонимдан нидо келгандай бўлди. — Ахир, сиз бир хил қиёфадаги, оқ халат соҳибаларидан икки хил одамни кўрдингиз-ку, нега иккиланасиз».

Дарҳақиқат шундай бўлди. Яхшиси воқеани бошидан айтиб бера қолай.

Ҳисоб-китоб зарурлиги, одамлар ўз вақтида ойлиқмаошлар олиши учун менинг ҳисобларим жуда зарурлигини ўйлаб, гриппни оёқда ўтказиб юборибман. Ҳисобни топширдим-у, ҳароратнинг баландлигидан алаҳсираб қолдим: вужудим ёнади, осмон бамисоли остун-устун, нима қиларимни идрок этолмай қолдим. Қўл остимдаги ходимларим нолож, «тез ёрдам»га мурожаат қилиб, шошилинч чоралар ахтаришибди. Тиббий муолижалардан сўнг иккиуч соатларда бироз ўзимга келдим-у, белим, оёқларим қаттиқ оғриётганини сездим.

«Тез ёрдам» шифокори: «Буйрак қаттиқ шамоллаган, тезда даволанмасангиз, аҳволингиз оғирлашаверади», — деди. Эртасига поликлиникага аранг бордим, қайтадан текширишди, кейин «Ўзэлектротерм» ишлаб чиқариш бирлашмасининг шифохонасига йўлланма беришди.

Шифохонага кирдик. Навбатчи врач қовоғидан қор ёғиб қарши олди:

— Бугун жой йўқ, эртага соат саккизда келинг, — деди.

Аранг юриб зўрға бир автомашинани ушлаб уйга етиб олдим. Эртасига яна минг бир хаёл ва орзулар билан шифохонага келдим, Қабулхонада ўтирибмиз. Бирорта медицина ходимининг келганлар билан иши йўқ. Ўзларининг ҳам бир-бировлари билан саломлашганини кўрмадим. Ажабо, ҳаммасининг қовоғидан қор ёғади, бир-бирига бақириб гапиради. Ўзларидан катталарга ҳам, кичикларга ҳам эътибор беришмайди.

Ҳой, бемор, нега келдингиз? — деярмикан десак, ҳеч кимдан садо чиқмади. Ўтира-ўтира қизим билан бирга касалхонадан қайтдим.

— Юр, қизим, пешонага ўлим битган бўлса, шу касаллик сабаб ҳаёт билан хайрлашармиз, бу ерда ҳали-вери биздан ҳол сўрайдиганга одам топилмайдиганга ўхшайди!...

— Ордона қолсин, оламни касал босиб кетди!...

Қимнингдир шангиллагани қулоқларим остида қолди. Касалхонадан чиқдиг-у, елкамиздан бир қоп тош ағдарилгандай бўлди.

Бирдан вилоят «Тез ёрдам» шифохонасида ҳам урология бўлими борлиги хаёлимга келиб қолди.

— Келинг, хуш келибсиз, хизмат? — ўрнидан туриб кутиб олди навбатчи ҳамшира.

Кейин билсам у киши Ҳадичахон Тўрахонова эканлар.

— Бироз маза қочиб... — ийманибгина йўлланмани узатдим.

— Ҳозир-да...

Ҳадичахон бўлим бошлиғи Латифжон Жўрабоевга рўпара қилдилар.

— Тезда ётиб даволанмасангиз сира бўлмайди, сингилжон, — дедилар доктор анализ қоғозларни кўздан кечирар эканлар, — биласизми, қаттиқ шамоллаш буйракни қийнаб қўйибди, беморларни қабул қилиш хонасига бориб келинг...

Аввало Ҳадичахоннинг, қолаверса, Латифжон аканинг муомаласидан ярим дардим эшикда қолди.

...Икки ҳафтадаёқ дард чекинди. Бир ойга бормай ўзимни яхши ҳис эта бошладим. Ёш ҳаким Икромжон Аҳмаджонов кўпам изланувчан экан. Бўлим бошлиғи Латифжон Жўрабоев топган ва қўллаётган хилма-хил даволаш усулларини айтмайсизми? Асли ўзим ҳам медицина ходими бўлганман, журнал ва газеталардан тиббиётдаги янгиликларни кузатиб тураман. Урология соҳасида Украина шифокорлари анча тажриба тўплаганидан хабарим бор. Латифжон ака Львовда бир неча бор бўлиб, бир неча илмий кенгашларда қатнашибди...

Урология бўлимида даволанаётганларнинг асаби таранг бўлади. Чунки буйрак фаолияти бузилиши биланоқ босимингиз ошади, иштаҳа бузилади, ҳеч нарса кўзингизга кўринмайди. Ўшандай пайтда бу ерда ишлаётган Жамилахон Ҳайдарова, Ҳадичахон Тўрахонова, Муҳаббатхон Ғуломова каби ҳамшираларнинг жонсараклиги ва меҳрибонлигини ва ўз ишига усталигини кўрсангиз, балли шифокорлар, дейсиз.

Ҳар куни бу ердан тўртбеш бола, икки-уч катта ёшдаги киши дарддан ҳалос бўлиб, жонажон оиласига қайтади. Ана шу пайтда шифокорларнинг мамнунлигини кузатиб, қалбим ғурурга тўлиб кетди. Жамиятимизда мана шундай одамлар билан ёнма-ён яшаётганимдан қувондим. Чин дилимдан уларга миннатдорчилик билдиришни нийт қилдим. Оиламга қайтган куним, дастурхон атрофида Латифжон ака ва унинг шогирдлари номига узоқ дуо қилдик.

— Шифокорлар, бахтимизга омон бўлинглар, ойимни тузатиб берганларингизга ташаккур, — дейишди фарзандларим Умиджон, Шуҳратжон, Гулсанам.

Бўлган воқеанинг қисқача тафсили мана шу. Икки шифохона, бир хил қиёфадаги оқ халатли одамлар, аммо икки хил муомала, икки хил қарашлар ва қадрлашлар. Бунга сиз нима дейсиз, замондошим?

Гулчеҳра ШАМСИДДИНОВА,
Наманганда 3-пахта тозалаш заводи режа-иқтисод бўлими бошлиғи, ёшлар мураббийси.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИНИНГ

ЖАРЧИНОМАСИ

БУЮРТМАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБУОТЧИЛИК КОНЦЕРНИ

Босма маҳсулотларнинг қуйидаги турлари бўйича шошилинч ва оддий буюртмаларни

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

— юмшоқ муқовали китоблар, брошюраларнинг ҳажми: 384 қоғоздан ошмаслиги керак, формати 84×108 1/32, 70×108 1/32, 84×108 1/16, 70×108 1/16;

— рангли буклетлар, проспектлар, болалар учун мўлжалланган юмшоқ муқовали китобчалар, ёрлиқ (этикетка)лар, открткалар ва босма маҳсулотларнинг бошқа турлари. Қоғоз формати 60×45 дан 90Х120 см. гача;

— рангли бўёқда бажарилган деворбоп гул қоғозлар ва текстуралар;

— буюртмачининг картонидан ясалган рангли қутичалар:

Сизнинг қоғозингиз ва бизнинг меҳнатимиз эвазига юқори сифатли бажарилган буюртмаларга эга бўласиз!

Қоғозингиз ёки босма материалларни топишда қийналсангиз, хотиржам бўлинг. Сизга уни биржа орқали харид қилишга ёрдам берамиз.

Босма маҳсулотларнинг тайёрлаш муддати қуйидагича:

тайёр матрица ва позитивлардан — 1 ойгача,
асл нусхадан, яъни оригиналдан — 2 ойгача.

Қлише, шильда, бланк, канцелярия дафтарлари концерн қоғозидан чекланмаган миқдорда тайёрлаб берилади.

Мурожаат қилиш учун манзилгоҳ: 700083, Тошкент шаҳри, «Правда» газетаси кўчаси, 41-уй.

Телефонлар: 33-80-07, 33-84-78, 33-90-50, 32-55-31.

Россиянинг Иркутск вилоятидаги ташкилот мол айирбошлаш йўли билан ўсимлик мойи эвазига ўрмон маҳсулотлари (ёғоч-тахта) ва карбомид етказиб беради.

Телефон: (3952) 34-73-90 (факс),
34-75-40, 34-75-51, 27-80-28 (доимий).

Манзилгоҳимиз: 664019 Иркутск, а/я 54.

АНГРЕН ШАҲРИДАГИ «ҚАСБКОР» ДАВЛАТ КИЧИК КОРХОНАСИ

10 та жамланган тур: кўйлак, мўйинча, рўмол тўқийдиган ва йигирадиган ускуналарни хом ашёси билан

СОТАДИ

Ҳисоб пул ўтказиш ва нақд пул тўлаш йўли билан амалга оширилади.

Манзилгоҳимиз: Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, Навоий кўчаси, 16-уй.

Телефон: 2-24-70.

«Маърифат—91» кичик-тадбиқ қилиш корхонасининг йўқолган думалоқ муҳри

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Касаба союзлари курортларини бошқариш Ўзбекистон республика кенгаши Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг раиси Б. А. Алламуродовга онаси

Зайнаб ДАНАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ўрмон тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгашининг раиси ўртоқ В. А. Алламуродовга онаси

Зайнаб ДАНАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади. Марҳумани худо раҳмат қилсин, яқинларига сабр ато этсин.

Тошкент вино комбинати жамоаси комбинат директори

Саъдулла ВОҲИДОВнинг

фожиали вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг қариндош уруғларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон геология, геодезия ва картография ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгашининг раиси В. А. Алламуродовга онаси

Зайнаб ДАНАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Газета таҳрир ҳайъати: А. АБДУБАННОПОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари). В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ҲАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент–ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 33-11-49, 32-54-06; ижтимоий адолат — 33-76-04, 32-53-15; партия турмуши, советлар ҳаёти ва мафкура — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14; деҳқончилик-саноат — 33-12-16, 33-07-20, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-20-36, 32-54-35; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-12-56, 32-55-16; ички ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24; 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-26-70, 32-54-27; безатиш — 32-57-22; ахборот-тижорат маркази — 32-53-20.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-21-05, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-63, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-21, Урганчда — 6-72-60, Фарғонада — 4-88-25, Термизда — 2-23-01.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

● Йилига 256 марта чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 64583. Буюртма № Г—217. № 140.

Газета офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00, топширилди — 21.00. Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.